

СЎЗ САЊАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 5 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 5

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 5



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2022-5>

Бош муҳаррир:

Тўхтасинов Илҳом

п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:

Тухтасинов Илхом

д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:

Tuhtasinov Ilhom

DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммаед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масбул котиб, доцент (Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр

академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммаед

к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Джеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддиқова Ирода

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. scien. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

1. Джалилова Зарнигор Обидовна НУТҚ ҲАРАКАТЛАРИДА ХУШМУОМАЛАЛИКНИНГ ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИ.....	5
2. Madiyor Fatilloev SHANOV UD-DIN ABU ABDULLOH YOQUT IBN ABDULLOH AL-HAMAVIY AR-RUMIY AL-BAG‘DODIY HAYOT VA IJOD YO‘LI.....	11
3. Бакаев Нажмиддин Бакаевич ОСНОВОПОЛАГАЮЩИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРЕДМЕТА ЛАТИНСКОГО ЯЗЫКА В МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОМ РАЗРЕЗЕ ПРЕПОДАВАНИЯ В ВУЗАХ.....	15
4. Davlatova Muhayyo Hasnovna NUTQ TUZILMALARI MAZMUNIDAGI SEMANTIKA VA PRAGMATIKANING MUNOSABATI.....	21
5. Наширова Шахноза Буриевна ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА ИККИ ТИЛЛИ ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРГА ЭҲТИЁЖНИНГ ОРТИШИ.....	26
6. Mirzayeva Aziza Shavkatovna ADABIYOTSHUNOSLIKDA INTERTEKSTUALLIK VA UNING ELEMENTLARIDAN BIRI IQTIBOS TUSHUNCHASI.....	34
7. Shapsanova Feruza Muzaffarovna PHILOSOPHICAL ASPECTS PRESENTED IN IRIS MURDOCH’S NOVEL “THE SANDCASTLE”.....	39
8. Normurodov Oybek Berdimurod o‘g‘li SAYYID QOSIMIY VA TASAVVUF.....	44
9. Begmatova Dilnoza Muxtarovna, Mamayoqubova Shahlo Oblaqulovna OLIY TA‘LIM MUASSASI O‘QITUVCHI KASSIYASINI ARTTIRISHNING PEDAGOGIK SHARTLARI.....	49
10. Даниёрова Барчиной Абсаттаровна XIX-XX АСР ФРАНЦУЗ АДАБИЙ ЭРТАКЛАРИ.....	55
11. Кулдашова Н. Б. ТИЛШУНОСЛИҚДА ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ТАЛҚИНИ.....	60
12. Мухиддинова Дилафруз Мансуровна ПАРАДОКС БАТЛЕРА О МАШИНАХ.....	66
13. Nargiza Amirqulova INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARI FRAZELOGIYASIDA QO‘SHMA SO‘ZLARINING YASALISHI.....	71
14. Zubaydova Nilufar Nematillaevna SYNTACTIC LINKS CREATED BY PROFESSOR A.M. MUKHIN.....	77
15. Kushatova Nargiza Rustamovna H. G. UELLS VA OLDOS HAKLINING ILMIY FANTASTIKA JANRIGA QO‘SHGAN HISSASI VA UNING QISQACHA TAHLILI.....	83
16. Шохсанам Муҳаммаджонова ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИК МАТНЛАРИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	87
17. Ergashova Vaxora Sayfillo qizi O‘ZBEK VA ITALYAN BOLALAR ADABIYOTIDA QAHRAMONLAR XARAKTERLARINING QIYOSIY TAHLIL METODI ASOSIDA YORITILISHI.(J.RODARI VA X.TO‘XTABOYEV IJODI ASOSIDA).....	93
18. Муротова Дилноза Хасан қизи УЗР СЎРАШ НУТҚИЙ АКТИНИНГ ТУРЛИ КОНЦЕПТОСФЕРАЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ.....	97
19. Махаммадов Бобир Исан ўғли ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ АНДРОИД ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ МОБИЛЬ ИЛОВАЛАРИ (АОТМИ) ТЕРМИНЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	102

20. Сабина Авазжоновна Махмудова Ж. ОЛДРИЖНИНГ «I DON’ T WANT HIM TO DIE» (“МЕН УНИНГ ЎЛИШНИ ХОҲЛАМАЙМАН”) РОМАНИДАГИ “ЎЗИНИКИ /БЕГОНА” КОНСЕПТУАЛ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ “БОШҚА – ЎЗИНИКИ – ДЎСТ” ТРИАДАСИГА АЙЛАНТИРИШ.....	108
21. Dalieva Madina Khabibullaevna THEORETICAL FEATURES OF POLYSEMY IN LINGUISTIC TEXTS.....	114
22. Кулиева Дилшода Алижон кизи “КОДЕКС КУМАНИКУС” ҚЎЛЁЗМАСИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ.....	121
23. Ашуров Мўмин Умаржонович КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЯНГИ ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА ВА УНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ....	130
24. Ҳамраев Дилшод Ҳамдамович “ТАРКИБАДАХШОН” ДОСТОНИ СЮЖЕТИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА БАДИИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	137
25. Mahkamova Shohida Rahmatullayevna TA’LIM JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR VA KLASTER TIZIMI.....	143
26. Қурбонов Бобур Чоршанбиевич “МАЖОЛИС УН-НАФОИС”НИНГ ДАРИЙ ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА.....	147
27. Умед Караев ЭНГ ҚАДИМИЙ АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАР АЙРИМ НАМУНАЛАРИ ҲАҚИДА.....	152
28. Пулатова Диёра Фарход кизи ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ АМЕРИКАНСКОЙ ПОЛИТИЧЕСКОЙ САТИРИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....	160
29. Расулева Нигина Алишеровна ҒАРБ ВА ХИТОЙ АДАБИЁТИДА ИЛМИЙ ФАНТАСТИКА ЖАНРИ: ЎХШАШЛИК ВА МУШТАРАКЛИК.....	169
30. Астанова Гулнора Аминовна МИСР ҲИКОЯТЛАРИДА ШАРҚОНА МЕНТАЛИТЕТ.....	176
31. Абулкасимова Нодира Мирзакаримовна РОЛЬ ЭВФЕМИЗМОВ В РЕПРЕЗЕНТАЦИИ КОНЦЕПТА “WAR”.....	182
32. Саримсоков Сирожиддин Шойзоқович АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКАНИНГ ТАВСИФИ ХУСУСИДА.....	193
33. Хотамова Парвина Илхомовна ҚАРДОШ БЎЛМАГАН ТИЛЛАР ТИЗИМИДА СУБСТАНЦИАЛ ПОСЕССИВ ВА КВАЛИФИКАТИВ ПОСЕССИВ СИНТАКСЕМАЛАРНИ ФАРҚЛАШ УСУЛЛАРИ.....	199



ISSN: 2181-9297


www.tadqiqot.uz

Ҳамраев Дилшод Ҳамдамович

Қарши давлат университети катта ўқитувчиси

hamraevdilshod@gmail.com

“ТАРКИБАДАХШОН” ДОСТОНИ СЮЖЕТИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА БАДИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7038235>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “Таркибадахшон” достони сюжетининг генези, тарихий асослари, мотив ва образларининг келиб чиқиши билан боғлиқ масалалар, эпик жараёнда ижро этилиши ва бадий эволюциясига доир назарий қарашлар ҳақида фикр билдирилган. “Таркибадахшон” сюжетининг генезиси халқ дунёқараши асосида шаклланганлиги, образ ва мотивларнинг кенг планда халқ тақдири билан боғланиш масалалари асарда поэтиклаштирилган кўринишда тасвирланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. “Таркибадахшон” сюжети генезисининг шаклланиши ва поэтик тараққиётида мифологик тасаввурлар, айниқса, шомонлик элементларининг ўрни катта бўлса, иккинчидан, дostonда қўлланувчи баъзи мотив ва образларнинг исломий эътиқодга алоқадорлик масаласи ҳам борки, булар эпик куйчи ва у ижод этган дostonчилик мактаби бахши-шоирларининг дунёқараши ва яшаган даврдаги эпик муҳитнинг уйғунлашувидаги ҳолатлар билан баҳоланади. Бу каби хусусиятлар эса алоҳида тадқиқот ва изланишларни юзага келтиради.

Калит сўзлар: дoston, сюжет, генезис, дуалистик қараш, шомонлик, образ, мотив, бахши, бадий эволюция.

Ҳамраев Дилшод Ҳамдамович

Старший преподаватель Каршинского государственного университета

hamraevdilshod@gmail.com

ГЕНЕЗИС И ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ЭВОЛЮЦИЯ СЮЖЕТА ЭПОСА «ТАРКИБАДАХШАН»

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются генезис сюжета эпоса «Таркибадахшан», его исторические основания, вопросы, связанные с происхождением мотивов и образов, его исполнением в эпическом процессе, теоретические взгляды на его художественную эволюцию. Генезис сюжета «Таркибадахшан» отличается тем, что он формировался на основе народного мировоззрения, а вопросы связи образов и мотивов с судьбой народа описаны в стихотворной форме в произведении. В формировании генезиса и поэтического развития сюжета Таркибадахшана большую роль играют мифологические фантазии, особенно элементы шаманизма, а во-вторых, возникает вопрос о соотношении некоторых мотивов и образов, использованных в эпосе, с исламским веры, которые являются мировоззрением эпического поэта и бахши-поэтов эпической школы и оцениваются обстоятельствами в гармонии

эпической среды периода. Такие особенности побуждают к проведению специальных исследований и изысканий.

Ключевые слова: эпос, сюжет, генезис, дуалистический взгляд, шаманизм, образ, мотив, бакши, художественная эволюция.

Hamraev Dilshod Hamdamovich

Senior lecturer of Karshi State University

hamraevdilshod@gmail.com

GENESIS AND ARTISTIC EVOLUTION OF THE PLOT OF THE EPIC “TARKIBADAKHSHAN”

ANNOTATION

This article discusses on the genesis of the plot of the "Tarkibadakhshan" epic, its historical foundations, issues related to the origin of motifs and images, its performance in the epic process, and theoretical views on its artistic evolution. The genesis of the plot of "Tarkibadakhshan" is distinguished by the fact that it was formed on the basis of the people's worldview, and the issues of connection of images and motives with the destiny of the people are described in a poetic form in the work. In the formation of the genesis and poetic development of the plot of Tarkibadakhshan, mythological imaginations, especially elements of shamanism, play a large role, and secondly, there is the issue of the relationship of some motifs and images used in the epic to the Islamic faith, which are the worldview of the epic poet and the Bakhshi-poets of the epic school and evaluated by circumstances in the harmony of the epic environment of the period. Such features urge to carry out special research and investigations.

Keywords: epic, plot, genesis, dualistic view, shamanism, character, motif, bakshi, artistic evolution.

Маълумки, эпик сюжет сифатида оммалашган, ижро жараёнида анъанавий хусусиятларни ўзида ифода этган ҳар қандай эпос намунаси тарихий асослари ва генезисига эга. Бу каби ҳолат кўпроқ қахрамонлик руҳидаги сюжетларда етакчилик қилиб, уларнинг юзага келиши, тарихий тараққиёти бевосита ўша халқ тарихи, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маиший ҳаёт тарзи билан боғлиқ бўлган илоҳий-рамзий тушунчалар кесимида ҳаракатда бўлади. “Гўрўғли” туркумига доир эпик сюжетлар ҳам мана шундай халқ ҳаётидаги улкан ўзгаришлар, муҳим жараёнларни халқ эътиқодий қарашлари тизимида баён қилувчи эпос намунаси. Гўрўғли эпик қахрамон образи сифатида оммалашган сюжетлар турли версия ва вариантларда тарқалган бўлиб, у ҳар бир халқнинг миллий қахрамони сифатида ўша халқ эътиқодий қарашлари фонида поэтик ифода кашф этса-да, унинг тараққиёт босқичлари тарихида умумтуркий ва унга ёндош халқлар эпос мероси билан генетик ва типологик алоқалари кузатилади. Бу эса туркумлик дostonларининг мавзуси ҳамда сюжетининг кенгайишига, эпик мавжудликнинг соф анъанавий, ўзига хос қонуниятлари асосида кенгайишига сабаб бўлган. Шу жумладан, ўзбек “Гўрўғли” дostonлари ҳам кўплаб мустақил сюжет ва композицион тузилишга эга бўлса-да, уларни бирлаштиришда, бир умумий схемада ушлаб турувчи омил – бу эпик қахрамон Гўрўғли ва у билан боғлиқ катта-кичик анъанавий образлардир.

Эпик қахрамон фаолияти – шажараси, дунёга келиши, улғайиши, қахрамонлиги, мамлакат ва халқлар тақдири учун тахтни бошқариш каби муҳим муаммолар ғояси билан боғланади. Гўрўғли қахрамонлик фаолияти фақатгина ўзи иштирокидаги воқеалар фонида эмас, балки фарзандлари ва набиралари хатти-ҳаракатларида ҳам анъанавийлик ва халқчил ифодаларда вариантлашган. “Таркибадахшон”[1] дostonи ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Дoston Гўрўғлининг асранди фарзанди Авазхон, унинг Гўрўғли ва эпик юрт Чамбилга содиқлиги, мардлиги, шижоати ва эътиқодий қарашлари ижро этилган дoston намунаси бўлиб, сюжет таркибининг мураккаблиги, мотив ва образлари, уларга қўйилган миссиянинг нақадар кенг планда тасвирланиши, балки рамзий ифодавий воситаларнинг дoston ғоявий асосидаги ўрни борасида тўхталиб ўтиш муҳимдир.

“Таркибадахшон” достонининг ғоявий асослари, сюжети, мотив ва образлари хақида фикр юритар эканмиз, дастлаб, унинг келиб чиқиш генезиси, тарихий тақдиридаги муштаракликлар масаласи хақида тўхталсақ. Чунки эпик аңаналар замирида шаклланган ва поэтик ифода касб этган бу каби хусусиятлар халқнинг қадимий тасаввур ва дунёқараши билан узвий боғлиқ. Шундай экан, эпосда мифологик тасаввурлар, диний-тасаввуфий ва илохий қарашларнинг достон матнларида у ёки бу маънода қўлланиш элементлари учрайди. Улар маълум бадиий-функционал вазифаси нуктаи назаридан достон ғояси, эпик қаҳрамон масаласига таъсир этади. “Таркибадахшон” сюжетининг генезиси халқ дунёқараши асосида шаклланганлиги, образ ва мотивларнинг кенг планда халқ тақдири билан боғланиш масалалари асарда поэтикалаштирилган кўринишда тасвирланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Чунки “...эпос мафкуриси аңанавий образ ва мотивларда намоён бўлиши”[2.13] ни бартараф этмасдан эпосдаги тарихийлик масаласи хақида фикр билдириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам туркумлиқнинг кўплаб намуналари қатори “Таркибадахшон” сюжети генезисининг шаклланиши ва поэтик тараққиётида мифологик тасаввурлар, айниқса, шомонлик элементларининг ўрни катта бўлса, иккинчидан, достонда қўлланивчи баъзи мотив ва образларнинг исломий эътиқодга алоқадорлик масаласи ҳам борки, булар эпик куйчи ва у ижод этган достончилик мактаби бахши-шоирларининг дунёқараши ва яшаган даврдаги эпик муҳитнинг уйғунлашувидаги ҳолатлар билан баҳоланади. Бу каби хусусиятлар эса алоҳида тадқиқот ва изланишларни юзага келтиради.

“Гўрўғли” туркум достонлари матнида кўпгина мифологик қарашлар, диний эътиқодлар мавжуд бўлса-да, етакчи ғоя ва мақсад шомонлик билан боғлиқ тушунчалар негизида шаклланганлигига эътибор қаратиш лозим. Тўғри, баъзи тадқиқотларда достон учун ғоявий асос бўлган хусусиятлар хақида фикр билдирилмоқда. Булардан қаътий назар биз достон сюжети учун асос бўлувчи аңанавий мотивлар, шомон образи масаласига, унинг генезисига тўхталиб ўтамиз. Бу борада фольклоршунос Ш.Турдимовнинг “Гўрўғли” туркуми достонларидаги образ ва уларнинг генезиси” мавзусида олиб борган кузатувларида етарлича назарий хулосалар берилади. Олим Гўрўғли образи ва унинг юзага келиш омиллари хақида фикр билдирар экан куйидаги хулосаларга келади. “Гўрўғли ҳомий эранлар тарбияти билан ер юзи, ер ости, кўкда ҳам бемалол юра олади, кўнглига барча илмлар, тиллар жо бўлган. Назари тошни ҳам ёради. Соз чалиб кўшиқ айтади. Эранлар берган оқ-қора патлар билан турли сувратларга кира билади. Шомонлар орасида ҳам Гўрўғлининг қайсидир бир ёки икки хислатга эга шахслар бўлади. Лекин бирор шомон бу хилдаги жамийки хислат, қудратга эга эмас. Ҳеч бир шомонга алп зиммасига юкланувчи вазифа – элни жамлаш, мамлакатни тиклаш миссияси юкланмайди”[3.37]. Олимнинг кузатувларида Гўрўғли образи ва унга юкланган миссия илмий жиҳатдан асосланади. Чунки мифологик субъект ва эпик қаҳрамон ўртасида юзага келган ғоявий мақсаднинг тарихан муштараклиги, ўхшаш томонлари халқ эпосида поэтик деталлар ёрдамида тасвирланади. Бу эса асар сюжетидаги ғоявий мақсаднинг ижодкор дунёқараши асосида поэтикалашуви билан аҳамиятга эга. Шомонлик ва унинг халқ эпоси ривожидан тутган ўрни, эпик сюжет ва мотивлар масаласини ўрганиш орқали эпоснинг тарихийлик масалалари борасида бир қатор назарий қарашлар мавжуд. Бу борада Г.Н.Потанин ҳам қаҳрамонлик эпоси сюжетининг келиб чиқиши шомонлик аңаналарига бориб тақалиши, қадимда яшаб ўтган шомонлар эпик қаҳрамон образининг юзага келиши учун прототип вазифасини ўтаганлиги ҳамда шомонлик ривоятлари қадимги эпос намуналарининг шаклланишига асос бўлганлигини таъкидлайди[4.224]. “Гўрўғли” туркум достонлари каби “Таркибадахшон” сюжети генезисидан ҳам мавжуд халқ тасаввур ва эътиқодларининг қаҳрамонлик характерида акс этиши, бунда эпик куйчининг воқеликни бадиий умумлашма тасвир ва образлар восита ифода этиши достон матнларида турли-туманлик касб этган. Рамзий-мажозий асосига кўра Гўрўғли образи ушбу достонда ҳам етакчи қаҳрамон ва воқеалар ривожини учун асосий ўрин тутади.

Гарчи достон сюжетида Авазхон хатти-ҳаракати ва курашлари асосида Гулируҳсорни олиб келиш вазифасини ўтаса-да, унинг куч қудрати, қаҳрамонликларининг юзага чиқишида Гўрўғли, эпик от Ғирот, Хизир, чилтон ва пирларнинг мадади, илохий кўмаги ёрдамга келади.

Демак, Гўрўғли образининг келиб чиқиши шомонлик анологи ва у билан боғлиқ турли хилдаги оғзаки ҳикоя ва эътиқодий қарашлар замирида юзага келган бўлса, туркум дostonлар сюжетида ҳам ушбу қараш асосий ғоявий мақсадни ўтайди. “Тарихий манбаларга кўра, ўзбек халқ дostonларининг бадий тизимида турли даврларга оид эпик сюжет ва мотивлар қадимги яшаб ўтган аждодларимизнинг мифопоэтик образларини тасвирловчи сюжетга бориб тақалади”[5.5]. “Таркибадахшон” дostonи сюжети генезиси ҳам шомонлик билан боғлиқ қарашларнинг рамзий-тимсолий кўриниши бўлиб, унда эпик макон икки олам кесишмаси ва унинг оралиғидаги ҳаёт манзарасини ташкил этади. Дoston композициясида эпик маконнинг ўзига хос ўрни мавжуд бўлиб, воқеалар, уларда иштирок этувчи образларнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ ўринлар эпик макон чизиғида ҳаракат қилади. Фольклоршунос П.Н. Путилов эпик маконнинг қуйидаги хусусиятлари борасида назарий қарашларини билдиради: 1. Эпик макон бадий — тўқима, ҳаётот, муболаға маҳсули бўлганлиги учун ҳамма вақт бадий шартлилик хусусиятига эга. 2. Эпик макон ҳамма вақт экспрессив, аниқ бадий вазифа адо этишга хизмат қилади ва бу вазифа эпос ижодкорларининг антипатия ҳамда симпатиялари билан боғлиқликда барқарор ва ўта аниқлик касб этадилар. 3. Эпик маконлар сахна безакларига ўхшаб ижодкор хотирасида тайёр ҳолда сақланадилар ва улар қаҳрамонлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда алмашилиб турадилар... Эпик маконлар ўртасидаги боғлиқлик реал дунёдагидек моддий олам қонуниятлари асосида эмас, балки эпик олам қонуниятлари асосида боғланадилар[6.19]. “Таркибадахшон” дostonида эпик макон - Таркибадахшоннинг ўзга юрт эканлиги (ер ости дунёси, қоронғулик) Авазхонни хавфу хатарга кўяди. Шунинг учун ҳам дostonда эпик макон бадий шартлилик вазифасини ўтаб, дoston ғоясидаги рамзий ифоданинг эпик олам қонуниятлари билан боғлиқликда ифода этади. Дoston конфликти ҳам ўз генезиси билан икки қутб ўртасидаги кураш асосида шакллантирилиб, Гўрўғли тушида кечган рамзий ифода орқали Авазхон эпик макон Таркибадахшонга йўл олади. “Эпос таркибидаги мифнинг асосий функцияси хаос ва космос ўртасидаги курашнинг нисбатан кенгроқ масштабда халқ тақдири мисолида эканлигини кўрсатишдан иборат. Чунки миф эпоснинг бадий-тасвирий принципларидан тортиб, унинг образлар нисбатигача бўлган асосий йўналишни белгилаб берган”[7.129]. Бир томондан дoston сюжетига асос бўлган воқеалар шомонлик тасаввурлари кесишмасида ўзининг бадий ифодасини топса, иккинчидан, шомонлик хатти-ҳаракатида танланган шахс маҳсул танлов асосида синовдан ўтказилади. Шомонлик дунёқарашида руҳлар томонидан маҳсул танланган шахс, кишилар ва ҳомий руҳлар ўртасида воситачилик қилиши ҳамда руҳлар ёрдамида кўмак бериши билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ғояси Авазхон образида реаллашади.

Рамзий маънода Авазхон худди мана шундай образ сифатида “Таркибадахшон” дostonи учун сюжетнинг юзага келишига омил бўлган ҳамда Гўрўғли хатти-ҳаракатидаги ғоявий мақсад Авазхон зиммасига рамзий маънода кўчирилади. Бу жараён “Авазхон” наслий туркумлиги дostonларида Гўрўғли томонидан бирор бир шартни бажариш учун анъанавий тарздаги май – “шароби антахур”ни мурожаат оҳангида йигитлари қўлига тутиши, Авазхоннинг мардлик билан унга эгалик қилиши воқеаларида шартланган бадий қолип етакчилиги қилади. Иккинчидан, дoston сюжетида воқеалар ер ости дунёси билан туташади. Авазхоннинг эпик макон Таркибадахшонга Гулирухсорни олиб келиш учун девлар билан тўқнашуви, ақли, заковати ва эпик ҳомийлар ёрдамида улар устидан ғалаба қозониши сюжет чизиғида кодлашган миссияни бажариш масъулияти билан белгиланади. Бу йўлда Авазхоннинг куч-қудрат ва матонат билан ҳаракат қилиши эпос қонунияти учун анъанавий бадийлаштирилган. Рамзийлик хусусиятига кўра шомон-эпик руҳнинг бажариши лозим бўлган ғоявий мақсади ҳам халқ ва давлат мустаҳкамлиги, уни ҳимоя қилиш йўлида турли қийинчиликларни енгиб ўтишдек (синов шарт) олийжаноб вазифалар юкланган бўлиб, эпик сюжетда бу каби мураккаб вазифалар фақатгина Гўрўғли ва унинг фарзанди Авазхон зиммасига юклатилган. Дoston сюжети генезисига асос бўлган бадий ифоданинг рамзий кўриниши эпик воқеликни эпик баёнда ифода этишдир.

Сюжет генезисида парилар, девлар, эпик макон Таркибадахшон ва у билан боғлиқ тоғ, шунингдек, магия детал сифатида бадий вазифа бажарувчи элементларнинг қатнашиши эпик

қахрамон хатти-ҳаракатига хос у ёки бу ҳолатни намоён бўлиши учун муҳим манба вазифасини ўтайди. Мана шундай манбалардан бири дoston воқеаларида Гўрўғли туши ва уни изоҳлаган Мисқол пари образларидир. Туш мотиви кўпгина дoston матнларида қахрамон характери ва воқеалар ривожига таъсир этувчи ҳамда маълум ғоявий мақсадни очишда ёрдам берувчи ҳолатдир. Ушбу дoston матнида ҳам воқеаларнинг умумий ҳолатидан конфликтнинг юзага келишида асосий ўрин Гўрўғли туши ва унинг Мисқол пари томонидан изоҳланишидир. Мисқол пари тилидан айtilган қуйидаги мисраларда Гулирухсорни Оқдевшоҳ эпик юрт Таркибадахшонга ўғрилаб кетиш манзараси қуйидаги тасвирда келтирилмоқда:

Маст бўлардик Эрам боғнинг гулига,
Мисқол, Юнус сув қуярдик қўлига,
Қанча девлар тузоқ қўйган йўлига.
Кун ботарга олиб кетди Оқдевшоҳ,
У парини Таркибадахшон элига.

Гулрухсор дерди унинг отини,
Сулувликда бойлар ернинг бетини,
Оқдевшоҳ ўтказиб сиёсатини.
Борганларнинг жулиб берар патини,
Инсон суягидан ёққан ўтини.

Сафарга отланган Авазхон Таркибадахшонга боргунга қадар турли-туман тўсиқларга учрайди. Айниқса, унинг Башар жодугар, Ҳабсар девлар билан қилган жангу жадалида қахрамонлик хислатлари орта борса, Таркибадахшондан Гулирухсорни қутқариш тасвирларида Оқдевшоҳ ва унинг девлари билан бўлган курашда том маънодаги эпик қахрамон сифатида шаклланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, дoston матнида Авазхон турли сеҳр-жодуни ўзлаштирган, турли қиёфага кира оладиган образ сифатида ҳам тасвирланади. “Таркибадахшон” дostonи матнида сақланган мана шу каби хусусиятлар дoston сюжети генезисини шакллантиришда қадимий манба вазифасини ўташига асос бўла олади. Дostonнинг Шеробод дostonчилиқ мактаби бахшилари репертуарида ижро этилганлиги маълум давр учун хос бўлиб, бахшиларнинг Гўрўғли ва асранди фарзанди Авазхонга бўлган муҳаббатининг рамзий ифодаси сифатидаги кўринишидан биридир. Қолаверса, жонли оғзаки аъёнларда ижро этиб келинган эпик қахрамон ва унинг хатти-ҳаракати бахши-шоирлар репертуарида кенгайтирилган. Буни юқорида таъкидлаганимиздек, Гўрўғли ва унинг фарзандлари мисолида ижро этилган дoston намуналари мисолида кўриб чиқиш мумкин. Шунингдек, ноэстетик қарашларнинг эпик қахрамон фаолиятида эстетиклашиш жараёни бахшилар эпик тафаккурининг ижодий жараёнлардаги акти ҳисобланади. Чунки Жанубий Ўзбекистон дostonчилигида “Гўрўғли” туркумлиги, айниқса, унинг фарзанди Авазхон ва набираси Нуралига бағишланган дostonлар бахшилар репертуарида севиб ижро этилган ҳамда устоз-шогирд аъёнлари доирасида оммалашиб борган. Мана шундай ижодий жараёнлар “Таркибадахшон” дostonи ва Авазхон образларининг дostonчилиқ мактаби бахшилари репертуарида эволюцион даражада бадийлашиш хусусиятларини кўрсатади.

“Таркибадахшон” воқеалари билан боғлиқ дoston умумўзбек дostonчилигида “Малика айёр” сюжетига яқин бўлса-да, композицион тузилишдаги фарқли томонлар уларни алоҳида версия сифатида ўрганиш лозимлигини кўрсатмоқда. Академик Т. Мирзаев дostonларга хос мана шу томонларни эътиборга олиб: “Таркибадахшон” дostonи “Малика айёр”нинг бир вариантими ёки мустақил дoston? Буни энди янги тадқиқотлар ҳал этади”[8.94], деган илмий қарашни кун тартибига қўядики, бу келгуси изланишлар натижасидир.

Умуман олганда, “Таркибадахшон” дostonи сюжетининг генезиси ва манбалари қадимги халқимизнинг шомонлик дунёқараши, мифологик тасаввурларининг рамзий-мажозий ифодаси бўлиб, дostonда тасвирланган мотив ва образлар мифологик асосдан бадий эволюцион босқичга ўтиш жараёнида дostonчилиқ мактаби аъёнлари доирасида вариантлашди. Бу эса дostonнинг “Гўрўғли” туркуми намунаси сифатида тадқиқ этиш имконини яратади.

Адабиётлар:

1. Таркибадахшон. Достон. Айтувчи Чори бахши Умиров. Ёзиб олувчилар А. Қаҳҳоров, А. Эргашев. Кўлэзма ҚарДУ Фольклор архивида сақланади. Мисолларни ушбу кўлэзмадан оламиз ва саҳифасини келтирамиз.
2. Жирмунский В.М., Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос. –М., 1947. - Стр.13.
3. Турдимов Ш. “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. –Т.: Фан, 2011. –Б. 37.
4. Потанин Г.Н. Примечания // Никифоров Н. Я. Аносский сборник. –Омск.,1915. –Стр. 224.
5. Жураев М. Эпический сюжет: истоки и эволюция. Монография. –Ташкент: Фирдавсшоҳ, 2021. – Стр. 5.
6. Путилов Б. Н. Героический эпос и действительность. –Л.: Наука, 1988. –Стр.224.
7. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. –Б.126.
8. Мирзаев Т. “Гўрўғли” туркуми достонларининг ўрганилиши, яратилиш даври ва дастлабки нашри ҳақида // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. VII китоб. –Тошкент: Фан, 2018. –Б.94.
9. Ochilova, M. (2021). ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТ–ЛЕКСИКОГРАФИЯ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МАҲСУЛИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).
10. Турсунов, С. Н., Пардаев, Т. Р., Турсунова, Н. М., & Муртазоев, Б. (2015). ЎЗБЕКИСТОНДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ШАКИЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИ.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 5 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 5

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 5